

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди  
№ MD-3-69  
2017 йил



**“Метрология, стандартлаштириш ва махсулот сифати  
менежменти”**

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Ҷайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури Олий ва  
ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўйналишлари бўйича ўкув-услубий  
бирлашималар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2017 йил 18 августр даги 4 -сонли баённомаси билан  
маъқулланган*

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асрларида жамият риоҷи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д.,проф. М.М.Қаххарова.

“Тыљим-тарбия жираёнларини ташкил этишининг қонуичилик нормалияри” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц.О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион тиълим технологиялари ва педагогик комистентлик” модули: и.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогики яосолари ва педагогиниг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳаляни” модули: ф.-м.ф.н., доц. Х.Холмсов, катта ўқитувчилар В.Хамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймарданов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова, Ф.Бойсарин; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг стакни мутахассислари.

“Олий тиълим жарёянини бошқаришда тизимли таҳжил ва қирорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, ис.ф.н. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов

Михеус фанилар бўйича: Хорижий эксперт Жим Клаусон (АҚШ)

Инчун гурӯҳ: т.ф.д. профессори П.М.Матякубова, т.ф.н. доцентлар Ш.А. Мавланов, А.Турғунбоев, Ш.Тўраси, О.Турсунқулов, катта ўқитувчилар Г.А.Джаналиев, М.Кадиров.

Тақризчилар:

Хорижий эксперт: Сундарам Гунасекараи (АҚШ)  
ТДТУ “Метрология” кафедраси профессори, т.ф.д., проф. П.Р. Исматуллаев

Ўкув дастури Тошкент давлат техника университети Кенгашининг карори билан тасдиққа тавсия қилинган (2017 йил \_\_\_\_\_даги -сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида” ги ПФ-4732-сон 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тұғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли карорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чикқан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад килади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хукукий асослари ва конунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор кабул килиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида бериладиган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўкув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил килиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул килиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари тъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чикқан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг конунчилик хужжатлари.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Соҳа фанларини ўқитишида илгор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация**

### **технологияларини кўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришида тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Техникида тизимли таҳлил асослари.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Сифатни бошқариш технологиялари.

6.2. Ўлчаш воситалари ва лабораторияларни аккредитлаш.

6.3. Метрология соҳасида инновацион технологиялар.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўкувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўнкима ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўкув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига куйидагилар киради:

- “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” йўналишида педагог кадрларининг касбий билим, кўнкима, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хукукий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- техник норматив-хукукий ҳужатлар (техник регламентлар, давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, ташкилот стандартлари)нинг турлари ва уларга қўйилган талабларни;
- савдодаги техник тўсиклар ва санитар ҳамда фитосанитар тадбирлар бўйича БСТ Келишувининг асосий қоидаларини;
- стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларининг элементларини;
- ўлчаш воситаларининг таркибий элементларини;
- ўлчаш ўзgartгичлари, физикавий эфектлар, ўлчаш ўзgartгичдаги кириш ва чиқиш катталикларининг ўзгариш принципларини;
- сифатни бошқариш тушунчалари, сифатни бошқариш назарияси ва амалий қоидаларини;
- инновацион лойиҳанинг таркибий тузилмасини;
- инновацион лойиҳаларнинг синфланишини;
- инновацион лойиҳанинг ўзига хос хусусиятларини **билиши** керак.

#### **Тингловчи:**

- ташкилот ва тармокларда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича ишларнинг замонавий холатини тавсифлаш ва таҳлил қилиш;
- стандартлаштириш усуулларини амалиётда қўллаш;
- сифатни бошқариш ишларини ташкил килиш;
- метрология, стандартлаштириш ва сифатни бошқариш бўйича дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш;
- замонавий ўлчаш асблобларини лойиҳалаштириш;
- метрологик тавсифларни аниклаш ва ўрнатишнинг қоида ҳамда меъёрларини ўрнатиш тамойилларини қўллаш;
- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимларининг ихтиёрий йўналишларида инновация турларини аниклаш *қўниқмаларига* эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- маҳсулот сифати кўрсаткичларини аниклаш;
- ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш;
- стандартлаштириш усуулларини амалиётда қўллаш;
- маҳсулотларга мажбурий талабларни ўрнатишида хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотлари стандартлари, худудий ва ҳалқаро стандартлардан самарали фойдаланиш;
- маҳсулотларни лойиҳалаштириш босқичларини кетма-кет бажариш бўйича *малакаларга* эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- ISO 9000 сериясидаги ҳалқаро стандарти асосида сифат менежменти тизими талабларини бажариш;
- ISO 9001 стандарти талаблари асосида сифат менежменти тизими талаблари асосида ишни ташкил этиш;
- микропроцессорли, дастурли ўлчаш курилмаларининг ишлаш принципи, структураси ва дастурий таъминотидан амалиётда фойдаланиш;
- юқори даражада автоматлашган ишлаб чиқаришда сунъий интеллектни амалда синаш;
- инновацион потенциаллардан фойдаланиш;
- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш йўналишида лойиҳалаштириш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўкув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва

Аттестациядан мұваффакиятлы үтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндеги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланған давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

**“Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти”  
йұналиши бүйіча қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг үкүв  
модуллари ва уларнинг мазмуны**

**I. Олий таълимнинг норматив-хукуқий асослари**

**1.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларida жамият ривожи ва таълим-тарбия.**

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикаси Бириңчи Президенти И.А.Каримов асарларida жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тұғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манбағатларини химоя килиш – давлат сиёсатини устувор йұналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатый тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиғи.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйіча Ҳаракатлар стратегиясынинг ишлаб чиқиши, унинг устувор йұналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар.

Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялаши жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

**1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишининг қонунчилик нормалари.**

Норматив-хукуқий хужжатлар түшунчаси ва турлари. Норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тұғрисида”ғи Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йұналишлари.

Коррупцияяға қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омыллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдеги “Коррупцияяға қарши курашиш тұғрисида”ғи Ўзбекистон

Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-мохияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндарғи “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 2015 йил 12 июндарғи ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартыриш ва күшімча киритиш тұғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бүйича Ҳаракатлар стратегиясы тұғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ұкув юргидан кейингі таълим тизимини янада такомиллаштириш тұғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тұғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва үқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тұғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тұғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга кабул килиш тартиби тұғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тұғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартыриш ва күшімчалар киритиш хақида” ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тұғрисидеги низомни тасдиқлаш хақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан үтказиш тартиби тұғрисидеги низомга ўзгартыриш ва күшімчалар киритиш хақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ұкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тұғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим

муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчилирининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа мебёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзgartириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруги, 2017 йил 1 мартағи «Янги ўкув услубий мажмуналарни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида”ги 107-сонли буйруги, 2017 йил 13 мартағи «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида”ги 138-сонли буйруги, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида”ги 123 -сонли буйруги, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруги, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Карори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруги.

## **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўкув-тарбия жараёнда фойдаланиш.

Ўкув лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиши.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагог психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахсларро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптималь бошқариш.

Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва мохияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

## **2.2. Соҳа фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар.**

Соҳа фанларини ўқитиша илғор хорижий тажрибалар. Илғор хорижий давлатларда қабул килинган таълим тизимини ўзига хос хусусиятлари. Мазкур таълим тизимини Ўзбекистон таълим тизими билан қиёсий таҳлили.

Соҳа фанларини ўқитиша талабаларни назарий билимларини тузулмасини ва базасини шакллантириш. Назарий билимларини таркиби ва мазмунини амалиётга мос келтириш.

Мехнат бозорида юкори даражада рақобатбордош бўлиш учун психологик қўнималар.

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш**

### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнда фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўкув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўкув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоклари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўкув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариши тизимида ўкув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

### **3.2. Соҳадаги ахборот-коммуникация технологиялари.**

Соҳада қўлланиладиган ахборот-коммуникация технологияларининг ўзига хос имкониятлари. 3D технологиялар ва уларнинг хусусиятлари. Соҳа бўйича масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Соҳада муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган холда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Соҳада масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил килиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Соҳада эркин ва очик кодли дастурний таъминотлар таҳлили.

Соҳа бўйича курс лойиҳа ишларини бажаришда қўлланиладиган CAD/CAM/CAE, AutoCAD (КОМПАС), Pro/ENGINEER, CATIA, SolidWorks дастурлар.

Соҳада MathCAD, Matlab/Simulink, SCADA, GAUSS, SimPowerSystem дастурлардан фойдаланиш.

Соҳада Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Соҳадаги оммавий онлайн очик курслар (Coursera, edX, Khan Academy, Udemy, UDACITY).

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффакиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошк. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралигига). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар.

Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халклар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вактни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианatlарини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнинг таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## **5.2. Техникада тизимли таҳлил асослари**

Техникада тизимли таҳлил ва унинг таснифи. Техникада тизим турлари. Техникада тадқиқотлар натижасининг тизимли таҳлили. Олинган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишда тизимли ёндашув. Билиш жараёнларнинг ички тизимлилиги.

Техникада тизимли таҳлилнинг усул ва моделлари. Моделдаги элементларни нисбий ҳақиқий билиш даражаси. Техникада тизимларни моделлаштириш натижаларини статистик ишлов бериш хусусиятлари. Техникада математик дастурлаш масалалари ва уларни ечиш усуллари.

Техникада чизиқли дастурлаш масалалари ва уларни ечиш йўллари. Техникада статистик ноаниклиқдаги танлов қонуниятларини таҳлил қилиш. Техникада ечимлар қабул қилишда эксперт усуллари ва прогноз элемен tlлари. Табиий ва сунъий тизимлар, уларни умумлаштириш асослари.

## **VI. Maxsus фанлар**

### **6.1. Сифатни бошқариш технологиялари.**

Умумий сифатни бошқаришнинг (TQM) ривожланиши. Сифатни бошқариш усуллари ва моделлари. Сифатни бошқариш усуллари ва воситалари. Сифат менежменти методлари. Назарий асослари. Тизим концепцияси, TQM элементлари ва мукофот моделлари шархи.

Доимий яхшилаш жараёнида асосий сифат воситалари. TQM ялпи сифатни бошқариш. TQMда доимий яхшилаш. Сифат ва истеъмолчиларнинг

қаноатланиши. TQM ни жорий килиш. Сифат назоратининг 7 та сифат воситасини қўллаш. PDCA-цикли ва сифат назоратининг 7 та воситаси. Жараёнларни такомиллаштириш учун олти сигма усули.

Бизнес-жараёнларни яхшилаш учун воситалари ва сунъий интеллект (ақл). Самарали бошқарувга ёндашувлар. Эксперт тизимларини ишлаб чиқиш, эксперимент тадкиқотлари ва усувлари.

“Яхшилаш” йўли билан илғор ўқитиш: Олти сигма усули. Сифатни бошқариш концепцияси ва усувлари. Статистик усувлар, жараёнларни такомиллаштириш ва муаммоларни ечиш. Олти сигма назарияси. Ўқитиш механизмларини бирлаштириш, лойихани таҳлил килиш ва натижалари. Тагучи усули. Кано Модели. Кайзен ва Кайро усувлари.

Сифатни бошқаришнинг янги тизимини жорий килиш билан боғлик хавфларни баҳолаш ва лойихани амалга ошириш учун харажатлар. Бизнеснинг ривожланиши ва бошқарувнинг самарадорлигини ошириш. Корхонанинг бошқарув тизими ва хавфлар менежменти. Хавфлар-менежменти тизими.

Сифатни бошқаришга сарф бўладиган харажатлар. Лойиха ва сифатни яхшилашнинг назарий жиҳатлари. Хавфларни бошқариш жараёни. Мониторинг ва хавфлар назорати.

## 6.2. Ўлчаш воситалари ва лабораторияларни аккредитлаш.

Интеллектуал датчиклар, технологияси ва уларнинг пайдо бўлиши. Датчикларнинг ривожланиши. Датчикларни ишлаб чиқиш ва унинг технологияси. Саноат датчиклари ва биочиплар. Интеллектуаллаштириш муаммолари. Smart-датчиклар ва ўзгаргичлар ҳамда уларни киёслаш.

Метрология ва синашларга кириши. Ўлчаш ва синаш методологияси. Мувофиқликни баҳолаш ва аккредидатлаш. Метрологик бирликлар ва материалларнинг турлари.

Ўлчаш воситаларини калибрлаш. Диффиренциал босим датчикларини калибрлаш. Калибрлаш тартиби ва жараёни. Калибрлаш натижаларини расмийлаштириш.

Калибрлаш тизимлари ва узунлик (масофа)ни ўлчаш. Узунлик (масофа)ни ўлчашнинг муаммолари ва чегаралари. Узунлик (масофа)ни калибрлаш тизимида хатоликлар ва уларни таҳлил қилиш.

Виртуал асбобсозлик ва ўлчаш тизимларининг қўлланилиши. Виртуал асбобнинг концепцияси. Виртуал асбобларнинг асосий компоненталари. Smart Sensor тизимлари ва уларнинг қўлланилиши. Лабораторияларни аккредитлаштириш тартиби. Лабораторияларни аккредитлашга тайёрлаш.

Аkkreditlaштириш тартиби ва аккредитлаштириш тизимларининг ташкилий тузилмалари. Лаборатория ишларини бошқаришда LIMS (Laboratory Information Management System, лаборатория маълумотларини бошқариш тизими) технологиясини қўллаш.

### **6.3. Метрология соҳасида инновацион технологиялар.**

Инновацион ривожланишлар. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш йўналишидаги инновациялар, лойихалар ва фаолиятларни режалаштириш. Ишлаб чиқариш босқичидаги инновацион лойихалар. Инновацион лойиҳанинг тузулмаси. Инновацион лойихалар ва уларнинг турлари.

Стандартлаштириш, функционал мослашувчанлик, ўзаро алмашинувчанлик ва инновациялар. Стандартлаштириш соҳасидаги лойихалар. Стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш. Лойихаларни ишлаб чиқишига инновацион ёндашувлар.

Ривожланаётган мамлакатларда инновацион тизимлар учун сифат инфратузилмаси. Инновацион тизимлар. Сифат инфратузилмаси. Инновацион модел тузулмаси билан боғлиқ инновациялар. Лойиҳаларни бошқариш тизими ва инновацион менежмент. Стандартлаштириш бўйича ҳалкаро фаолият. Инновацион менежмент соҳасидаги стандартлар. Инновацион менежментга ёндашувлар. CWA 15899:2008 «Standardization of an Innovation Capability Rating for SMEs» (“Ўрта ва кичик корхоналар учун инновацияга имкони рейтинги соҳасида стандартлаштириш”) хужжатини ўрганиш. Инновацион бошқарув тизимида бошқариш усуллари BS 7000-1:2008 стандарти талабларини қўллаш ва жорий қилиш.

Инновацияларни самарали бошқариш асослари. Самарали инновацион менежмент тизими. Ички ва ташки бошқарувни ташкиллаштириш. Инновацион таҳлил. Инновацион бошқарув тизимига янгича ёндашиш учун режаларни ишлаб чиқиш.

Инновацион менежмент тизимидағи эҳтиёжлар. Инновацион лойиҳаларни бошқариш. Инновацион таҳлил ва хатарларнинг таъсири. Инновацион бошқарувга ўзгартиришлар ва таҳлил қилиш усуллари

Инновацион бошқарувнинг таянч тузилмаси. Инновация соҳасидаги пешқадамларни аниқлаш. Инновацион гурухни шакллантириш. Илғор технологияларни режалаштириш, инновацион гоя, ижод ва тадқиқотлар учун имкониятларни қидириш.

Ўлчаш восталарини қиёслаш жараёнларини автоматлаштириш, стандартлаштириш. Метрология ва сертификатлаштириш, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.

### **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиккан ҳолда олий таълим мұассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бүйича құрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар үқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, үқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланған ҳолда үтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда үқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли үқув модули бүйича ишлаб чиқылган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (loyixa iishi) ни тайёрлайди.

Битирув иши (loyixa iishi) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи үзи дарс берәётган фани бүйича электрон үқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон үқув модулларининг тақдимоти күйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бүйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фани ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон үқув модулларини тайёрлашда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидан инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган үқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқылган үқув-методик материаллар, тегишли соҳа бүйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қофоз варианздаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.– 176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиға киришиш тантанали маросимига бағишинган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутки. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишинган тантанали маросимдаги маъруzasи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳхил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажамизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшлирга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим мусасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тұғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тұғрисидаги низомга үзгартериш ва құшымчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Diane Belcher, Ann M. Johns, Brian Paltridge. New directions in English for specific purposes research. The University of Michigan Press. 2011.

2. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.

3. Karimova V.A, Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyatni nashriyoti”, 2014.–192 b.

4. Michael Swan, Catherine Walter. The Good Grammar Book. Oxford, 2001.

5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.-336с.

6. Подласый И. Педагогика. Новый курс: учебник для студ. педаг. вузов. - в 2-х кн. – М.: ВЛАДОС, 1999. – 567 с.

7. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. д.т.н., проф.В.В.Попова, акад.РАО Ю.Г.Круглова.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.:ил.

8. Peter Master. English Grammar and Technical Writing. Regional Printing Center. 2004

9. Сергеев И.С. Основы педагогической деятельности: Учебное пособие. – СПб.: Питер. Серия “Учебное пособие”, 2004–316 с.: ил.

10. Сурмин Ю.П. Теория систем и системный анализ: Учебное пособие.–Киев:” “МАУП”, 2003.– 242с.

11. G'ulomov S.S., Begalov B.A. Informatika va axborot texnologiyalari.— T.: Fan, 2010.—686c.
12. Rediscovering Biology Online Textbook. Unit 2 Proteins and Proteomics. 1997-2006.
13. Systems Thinking: Managing Chaos and Complexity, Jamshid Gharajedaghi, Butterworth Heinemann, Oxford, 1999.
14. Twyman RM (2004). Principles of Proteomics (Advanced Text Series). Oxford, UK: BIOS Scientific Publishers. ISBN 1-85996-273-4.
15. W. Dubitzky, M. Granzow, D/ Berrar/Fundamentals of data mining in genomics and proteomics. New York, USA, 2007, ph -275.
16. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик - Тошкент.: Lesson-Press. 2015. – 423 б.
17. Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М., Матякубова П.М., Хамрокулов Ф.Х.,
18. Тураев Ш.А. Сифат менежменти тизими ва уни сертификатлаштириш. Дарслик - Тошкент.: Sano-Standart. 2014. – 330 б.
19. Русча-узбекча изоҳли метрологик лугат – Русско-узбекский тольковый метрологический словарь/ А.А.Абдувалиев, У.Н.Валиев, С.К. Жебровский. Бош мухаррир И.П.Пармонкулов –Т.: Tafakkur, 2010. -648 б.
- 20.Исматуллаев П.Р., Ахмедов Б.М. и др. Основы системы менеджмента качества: Учебное пособие. Ташкент, 2009. – 208 с.
- 21.Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув кўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
- 22.Абдувалиев А.А. ва бошқалар. “Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат”, Дарслик, Тошкент, 2008.
- 23.Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув кўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
- 24.Абдувалиев А.А., Алимов М.М., Латипов В.Б. Стандартизация (энциклопедический словарь - справочник), Ташкент, 2006. -271с.
- 25.Абдувалиев А.А. и др. Основы стандартизации, метрологии и управление качеством. Ташкент «Узстандарт». 2005.
- 26.Tukun Li. Software Measurement Standards in Surface Metrology. LAP Lambert Academic Publishing. 2012. 184 pp.
- 27.E. Noel. The science of metrology. 2012. 97 pp.
- 28.G.M.S. de Selva. Basic Metrology for ISO 9000 Certification. 2010. 240 pp
- 29.James B.T. The Metric System: Its Claims as an International Standard of Metrology. 2011. 45 pp.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алока, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
5. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
6. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг расмий сайти.
9. <http://www.standart.uz> – “Ўзстандарт” агенлиги
10. <http://www.smsiti.uz> – Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институти



**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор \_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимкулов

“ ” 2017 й.

М.У.

Тошкент давлат техникауниверситети

Ректор \_\_\_\_\_ С.М. Турабджанов

2017 й.

М.У.

Тошкент давлат техникауниверситети  
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ  
маркази

Директор \_\_\_\_\_ Н.А. Абдужабаров

2017 й.

М.У.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўқув адабиётларнинг  
жорий қилинишини назорат қилиш Бош  
бошқармаси

Бошқарма  
бошлиғи \_\_\_\_\_ О.И.Исмоилов

“ ” 2017 й.

М.У.

